

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА НИЛУФАР БАХТИЁРОВА

**ПИРАЦЕТАМ ВА ЦИННАРИЗИН АСОСИДА НООТРОП ДОРИ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИ-
ҚИШНИНГ ФАРМАКОТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

15.00.01 – Дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Шодиева Нилуфар Бахтиёровна

Пирацетам ва циннаризин асосида ноотроп дори препаратларини такомил-лаштириш ва ишлаб чиқишнинг фармакотехнологик хусусиятлари.....3

Шодиева Нилуфар Бахтиёровна

Фармакотехнологические особенности разработки и усовершенствования технологии ноотропных препаратов на основе пирацетама и циннаризина...21

Shodieva Nilufar Bakhtierovna

Pharmacotechnological aspects of the development and improvement technology of nootropics based on piracetam and cinnarizine.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА НИЛУФАР БАХТИЁРОВА

ПИРАЦЕТАМ ВА ЦИННАРИЗИН АСОСИДА НООТРОП ДОРИ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИ-
ҚИШНИНГ ФАРМАКОТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

15.00.01 – Дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Far13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юнусова Холида Маннановна фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тўхтаев Ҳаким Раҳманович фармацевтика фанлари доктори Халимов Абдурахим Халимович фармацевтика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSC.27.06.2017. FAR. 32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д., профессор

С.Н.Аминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 30% дан кўпроғи бирор-бир нейрорпсихотроп воситаларни қабул қилади, бу кўрсаткич Европа Иттифоқи ва Шимолий Америкада 45-50% га етади¹. Ноотроп препаратлар энг муҳим ва ўзига жалб қилувчи нейрорпсихофармакологик воситалар гуруҳи ҳисобланади. Бундай препаратлар педиатрия амалиётида ҳам кенг қўлланилади. Сўнгги йилларда педиатрик дори препаратларини ишлаб чиқаришда етакчи ўринларни Франция, АҚШ, Англия, Германия давлатлари эгаллаган. Бундай препаратларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш истикболли бўлиб, муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида бош мияда қон айланиш тизимининг бузилиши билан кечадиган касалликлар туфайли келиб чиқадиган аклий ва рухий ўзгаришларни даволашда қўлланиладиган дори воситалар структураси ва уларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ноотроп препаратларнинг дори шакллари ишлаб чиқаришни самарали технологиясини яратиш, яъни дори шаклини яратиш учун қўшиладиган ёрдамчи моддалар композициясини танлаш ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш кабилар долзарб илмий масалалардан ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда ноотроп дори воситаларидан пирацетам ва циннаризиннинг фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни янги технологиясини яратиш, чет элдан олиб кирилаётган дори препаратлари улушини камайтириш иқтисодий ва социал муаммоларни ечиш билан аҳамиятга эгадир.

Республикамизда фармацевтика йўналиши бўйича амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV бобида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, ҳавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Нукус-фарм» каби иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши, ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида муҳим аҳамият касб этади. Аҳолини биосамарадор дори препаратлари билан таъминлашда инновацион технологиялар ишлаб чиқиш, замонавий таҳлил усулларидан фойдаланиб ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш зарур.

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот бюллетени.2013/2

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647 сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489 сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация изланишларида қўлланилган усуллар С.М. Махкамов, М.У. Усуббаев, У.М. Азизов, Х.К. Джалилов, З.А. Назарова, Х.М. Юнусова каби ўзбекистонлик олимларнинг ишларида ёритилган.

Фармакотехнологик жиҳатларни инобатга олиб, таблетка технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи олимлари, жумладан: Н.В. Иванова, Н.Н. Жуйкова, А.Н. Воробьев, S.Kazuhisa, R.F.Weiss, A.G.Yang, A.Malar Retna томонидан ўтказилган изланишлар аҳамиятга моликдир.

Ушбу диссертация ишида режалаштирилган ноотроп гуруҳга мансуб катталар ва болалар амалиётида қўллашга мўлжалланган препаратларнинг қобикланмаган таблетка, капсула ва гранула дори шакллариининг технологияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ҳали олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг II. «Амалиётга жорий этилган генерик дори воситаларини янги такомиллашган технологияларини ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пирацетам ва циннаризин асосида таблетка, капсула, гранула дори турлари таркибини ишлаб чиқиш ва технологияларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ноотроп ва кальций канали блокаторларининг маҳаллий фармацевтик бозордаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг асосида объект танлаб замонавий дори турларини яратиш;

дастлабки хом ашёларнинг структура-механик ва технологик тавсифларини ўрганиш ва улар асосида катталар ва болаларга мўлжалланган таблетка, капсула, гранула дори шакллариини яратиш мезонларини илмий асослаш;

пирацетам ва циннаризин таблетка, капсула ва гранула дори шакллариининг технологик тавсифи ва оптимал таркиби ишлаб чиқарилишини

ҳисобга олиб, ёрдамчи моддалар танлашни асослаш;

тайёрланган прессланадиган масса ва гранулаларнинг технологик хоссаларини ўрганиш;

тавсия қилинаётган таблетка, капсула ва гранулаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш;

тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

тавсия этилаётган дори турларини биофармацевтик хоссаларини ўрганиш ва яроқлилик муддатини белгилаш;

тадқиқотларда олинган натижалар асосида тавсия этилаётган дори препаратларни тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ноотроп таъсирга эга - пирацетам ва кальций канали блокаторлари - циннаризин субстанциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ноотроп хусусиятга эга – «Пирацетам» таблеткаси, «Пирац» капсуласи ва суспензия тайёрлашга мўлжалланган «Гранпир» грануласи, кальций канали блокатори хусусиятига эга суспензия тайёрлашга мўлжалланган «Цингран» грануласи дори шакллариининг таркиби, технологияси ва сифат меъёрлари ишлаб чиқилган. Яроқлилик муддатларини аниқлашда илмий изланишлар ўтказилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дастлабки хом ашё ва ёрдамчи моддаларнинг технологик хоссалари физик-кимёвий усуллардан фойдаланиб ўрганилди. Тавсия этилаётган дори турларининг миқдорий таҳлили спектрофотометрик усулда; парчаланувчанлиги, эришини аниқлаш «айланма кажава» асбобида *in vitro* усулида ва лаборатория идентификаторларида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бош мияда қон айланишини яхшиловчи пирацетам асосидаги таблеткалар, педиатрия амалиётида ишлатишга мўлжалланган капсула ва гранула дори шакллариининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор бош мия қон томирларини кенгайтирувчи циннаризин асосидаги педиатрик амалиётга мўлжалланган гранула дори шакллариининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

«Пирацетам 0,2г ва 0,4г» қобиқланмаган таблеткалари, «Пирац» капсуласи ва «Гранпир» грануласи, шунингдек кальций канали блокатори таъсирига эга бўлган «Цингран» грануласи препаратлари яратилган;

«Пирацетам 0,2г ва 0,4г», «Пирац», «Гранпир» ва «Цингран» дори шакллариининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ҳамда турғунлигини таъминловчи сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ноотроп хусусиятга эга бўлган «Пирацетам» таблеткаси, «Пирац» капсуласи, саше пакетга қадоқлашга мўлжалланган «Гранпир» гранулалари

ва суспензия тайёрлашга мўлжалланган «Гранпир» гранулалари ҳамда кальций канали блокатори асосида саше пакетга қадоклашга мўлжалланган «Цингран» гранулалари ва суспензия тайёрлашга мўлжалланган «Цингран» гранулалари яратилган.

«Пирацетам» таблеткасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун «SAMO» МЧЖ корхонасида препаратни олиш технологияси апробациядан ўтказилган ҳамда ўзаро ҳамкорликда корхона фармакопея мақоласи (КФМ) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда олинган натижалар замонавий математик, статистик, таҳлилий усуллар ва клиник текширувлар асосида саноат миқёсида ишлаб чиқариш жараёнида тасдиқланган. Лаборатория тадқиқотлари амалда ва саноат миқёсида синаб кўрилган. Дастлабки хом ашёларнинг структура механик хоссалари «Leica» (Германия) фирмасининг «Leitz» оптик микроскопи ёрдамида ўрганилган. Тавсия этилаётган капсулаларнинг парчаланиши «ERWEKA ZT44» (Германия), ишқаланишга бўлган қаттиқлиги «ERWEKA ТВН30» (Германия), эрувчанлиги «ERWEKA DT80» (Германия), қолдиқ намлиги «Kett» (Япония) асбобида ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти: ноотроп таъсирга эга бўлган «Пирацетам» таблеткаси, болаларга мўлжалланган «Пирац» капсуласи, «Гранпир» гранулалари ва кальций канали блокатори бўлган «Цингран» гранулаларининг таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: олинган маълумотлар асосида тегишли меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди, пирацетам асосида яратилган «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» қобикланмаган таблеткалар саноат миқёсида маҳаллий фармацевтика корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Пирац» капсуласи, «Гранпир» гранулалари ва кальций канали блокатори бўлган «Цингран» гранулаларининг технологиялари саноат миқёсида апробациядан ўтказилди. Ушбу препаратларнинг ишлаб чиқарилиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бу препаратлар ўзининг фармакотерапевтик фаоллиги бўйича ҳорижий препаратларга ўхшаш таъсирга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яратилган дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан меъёрий ҳужжат тасдиқланган (КФМ 42Уз-15745533-2524-2014). Ушбу препаратнинг ишлаб чиқарилиши миянинг когнитив функциясига таъсир кўрсатувчи тайёр дори турлари ассортиментини янада кўпайтириш имконини берган;

«Пирацетам» ноотроп препаратига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника

экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат берилиб, «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари «SAMO» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (18.06.2014 й.; №14/207/7-сон гувоҳнома). Натижада иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган дори воситасини ишлаб чиқариш, олинган препарат мияда қон айланишини бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликларни даволаш ҳамда ушбу препаратларни ишлаб чиқариш импортини қисқартириш, бир қатор тиббий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та, жумладан 13 халқаро ва 6 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мияда қон айланишини коррекция ва стимуляция қилувчи препаратлар: ноотроплар ва кальций канали блокаторлари**» деб номланган биринчи бобида бош мияда интоксикация ва гипоксия асоратлари туфайли миянинг фаолияти бузилганда, миянинг олий интегратив функциясига таъсир кўрсатадиган, регенератив ва протекторлик таъсирини намоён қиладиган ноотроп хоссага эга бўлган препаратлар ва кальций канали блокаторларига бағишланган адабиётлар таҳлили ёритилган. Бугунги кунда қўлланиладиган турли дори шаклларидаги ноотроп хоссага эга комбинирланган препаратлар ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида диссертацияда режалаштирилган тадқиқотнинг долзарблиги кўрсатилган, тадқиқот вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий фармацевтик бозорда цереброваскуляр касалликларни даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган дори препаратларининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида анатомик-терапевв-

тик-кимёвий классификация бўйича N06 ва N07 гуруҳларига кирувчи дори-дармонлар ассортименти маркетинг тадқиқотлари статистикаси таҳлил қилинди. Тадқиқотлар қуйидагилар асосида олиб борилди: дори препаратлар ҳақидаги расмий манбалардан олинган маълумотлар (Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри 2011-2016 й), дори-дармонлар ассортименти маркетинг тадқиқотлари статистикаси (таснифланиши, гуруҳланиши, тизимли таҳлил, тавсифловчи статистик маълумотлар), «Анкета-сўровнома» усули, «Drug-audit» электрон база маълумотлари. Комбинирланган ноотроп дори препаратларини таҳлили натижасида Ўзбекистон фармацевтика бозорида уларнинг улуши атиги 17% ни ташкил этди. Бундай препаратлар умумий 38 та савдо номида ишлаб чиқарилиши маълум бўлди. Улардан 83,4% (2706768) ҳорижий доривор препаратлар, 16,6% (537947) эса маҳаллий дори препаратларига тўғри келади.

Ҳорижий давлатлардан кириб келадиган ноотроп хоссага эга бўлган дори препаратларининг рейтинг миқдори жиҳатидан Белоруссия биринчи ўринни (33%), Россия (21%), Украина (14%), Австрия (8%), Венгрия (5%) кейинги ўринларни эгаллайди (1-расм).



1-расм. Ҳорижий давлатлардан кириб келадиган N06B гуруҳидаги қайд этилган дори препаратларининг миқдорий рейтинг кўрсаткичлари

Ноотроп дори препаратларининг ассортимент таҳлилини ўрганиш давомида марказий нерв тизими касалликларида ишлатиладиган ноотроп дори препаратларининг дори шакллари орасидаги фарқ солиштирилганда таблетка дори шакли 44% ни, инъекцион препаратлар 37%, капсула дори турлари 18% ва кукунлар 1% ни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимида ушбу дори препаратлар таъминоти бўйича импортга қарам бўлмасдан, уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан саноат миқёсида ишлаб чиқариш устувор вазифа эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Пирацетам асосидаги дори препаратларининг таркиби ва технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар**» номли учинчи бобида пирацетамнинг структуравий-механик ва технологик параметрларини аниқлаш, пирацетам 0,2 г ва 0,4 г таблеткалари таркибини танлаш ва техно-

логиясини яратиш, сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Субстанциянинг хоссалари ижобий бўлмаганлиги сабабли пирарцетам субстанциясидан дозаларга бўлинган қаттиқ дори турлари таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишда ёрдамчи моддаларни киритиш зарур ҳамда донадорлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пирарцетам 0,2 г ва 0,4 г таблеткаларнинг таркиби ва технологиясини танлашга бағишланган изланишларни олиб боришда таъсир этувчи моддадан ташқари тўлдирувчи, ғовакловчи, антифрикцион ва боғловчи вазифасини бажарадиган ёрдамчи моддалардан иборат комплексларни қўллаган ҳолда бир нечта таркиб синовдан ўтказилди. Субстанция ва прессланадиган массанинг технологик хоссаларини қиёсий ўрганиш, уларни тайёрланган массада субстанцияга нисбатан ижобий эканлигини кўрсатди, бу эса ўз навбатида танлаб олинган ёрдамчи моддалар комплексига ёндашув илмий асосланганлигини исботлайди.

Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Нам донадорлаш усулида олинган прессланадиган массанинг ва пирарцетам субстанциясининг технологик хоссаларини қиёсий ўрганиш натижалари

Ўрганиладиган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Натижалар		
		Пирарцетам субстанцияси	прессланадиган масса (0,2 г)	прессланадиган масса (0,4 г)
Фракцион таркиб, мкм	%			
+1000		2,04	8,32	16,1
-1000 +500		2,37	43,41	41,23
-500 +250		33,59	40,18	37,33
-250 +125		45,15	5,72	3,46
-125		16,85	2,37	1,88
Сочилувчанлик	10 ⁻³ кг/с	1,070	6,5	6,7
Сочилувчан зичлик	кг/м ³	225,60	603	610
Табиий оғиш бурчаги	градус	61,4	33	38
Пресланиш коэффициенти		1,09	1,23	1,25
Зичланиш коэффициенти		6,6	2,3	2,5
Қолдиқ намлик	%	4,4	3,0	3,1

«Пирарцетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари қуйидаги сифат кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: ташқи кўриниши, ўртача оғирлик ва ундан четланиш, парчаланиши, эриши, синишга ва ишқаланишга бўлган қаттиқлиги, таъсир этувчи модда миқдори. Олинган натижаларга асосан таҳлил қилинган таблеткалар қўйилган талабларга тўлиқ мос келди. Аниқланган кўрсаткичлар ХІ ДФ 2 нашрида келтирилган «Таблеткалар» умумий фармакопея мақоласи ва тегишли МХ ларда келтирилган усуллар бўйича амалга оширилди.

Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

Пирарцетам таблеткаларининг сифатига таъсир этувчи омиллардан бири

пресслаш босимининг таъсири аниқланди яъни ушбу таблеткалар учун 120-180 МПа босим муайён деб топилди. Тавсия этилаётган пирацетам таблеткаларининг нам ютиш кинетикасини ўрганиш натижасида уларнинг гигроскопик эмаслиги аниқланди ва тавсия этилаётган таркиб ва технология илмий асосланганлиги исбот қилинди.

2-жадвал

«Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткаларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Ўрганилган кўрсаткичлар	МХ бўйича талаблар	Таҳлил натижалари	
		«Пирацетам 0,2 г»таблеткалари	«Пирацетам 0,4 г» таблеткалари
Ташқи кўриниши	Оқ ёки қаймоқ рангли, цилиндрик таблеткалар	Мос келади	Мос келади
Чинлиги	0,4 г майдаланган таблетка кукуни 2мл 30% натрий гидроксиди эритмаси билан қиздирилади: аммиак ажралиб чиқади (ҳиди келади), нам лакмус қоғози қизил рангга бўялади	Мос келади	Мос келади
Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, %	0,2313 г дан 0,2687 (0,2 г) $\pm 7,5\%$ 0,5225 дан 0,5775 (0,4 г) $\pm 5\%$	$\pm 3,39$	$\pm 4,30$
Парчаланиш, дақ.	15 дақиқагача парчаланиши керак	11	10
Эрувчанлик,%	45 дақиқада 75% дан кам бўлмаслиги керак	98,78	99,05
Синишга бўлган қаттиқлик, Н	30 Н дан кам бўлмаслиги керак	58,2	59,7
Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, %	97% дан кам бўлмаслиги керак	99,71	99,52
Таъсир этувчи модда микдори,г	0,190г дан 0,210г гача (0,2г таблеткалар учун)	0,205г	
	0,375 дан 0,425г гача (0,4г таблеткалар учун)	0,422г	

Тавсия этилаётган пирацетам таблеткаларнинг технологик жараёни қуйидагича олиб борилди: пирацетам ва таркиб учун танланган ёрдамчи моддалар (картошка крахмали, кальций стеарати) электрон тарозида тортиб олинди ва тешигининг диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказилди. Ушбу масса гранулятор-аралаштиргич қурилмасининг камерасига жойлаштирилди ва намлаш учун 10% ли крахмал шилимшиғи эритмаси қуйилиб, 7-10 дақиқа давомида крахмал шилимшиғи бир хил тарқалгунча аралаштирилди. Намланган масса тешигининг диаметри 2000 мкм бўлган элак орқали грануляция қилинди. Қуриштириш жараёни жовонли қуритгич шкафида 60⁰С ҳароратдан ошмаган ҳолда олиб борилди. Қурилган масса тешигининг диаметри 1000 мкм бўлган элак орқали грануляция қилинди ва кальций стеарати ҳамда картошка крахмали билан упаланди ва диаметри 9 мм ва 12 мм бўлган қолипларда прессланди.

Диссертациянинг «Педиатрия амалиётида ишлатишга мўлжалланган препаратлар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобида педиатрия амалиётида ишлатишга мўлжалланган «Пирац» капсуласи ҳамда «Гранпир» ва «Цингран» гранула дори шакллари яратиш борасидаги тадқиқотлар келтирилди. Ҳар бир дори шакли учун турли ёрдамчи моддалардан фойдаланган ҳолда 20 дан ортиқ таркиблар ўрганилди ва бир-бирига яқин бўлган 7 та таркиб танлаб олиниб, тадқиқотлар давом эттирилди. Капсула дори шакллари учун фаол субстанцияларнинг сочилувчан зичлиги кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, терапевтик дозаларнинг эгаллаган ҳажмини ҳисоблаш йўли билан капсулаларнинг ўлчамларини танлаб олиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, «Пирац» капсулалари учун ҳажми 0,5 г (№1) капсулалар танлаб олинди. Масса билан тўлдирилган капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш XI ДФ асосида олиб борилди.

Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

«Пирац» капсуласи сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Кўрсаткичлар	Таркиблар						
	П-1	П-2	П-3	П-4	П-5	П-6	П-7
Ташқи кўриниши	№1 ўлчамли, оқ рангли желатина капсулалари, капсула ичига оқ ёки қаймоқ рангли, ўзига хос ҳидли кукун солинган						
Чинлиги	0,4 г кукун 2 мл 30% натрий гидроксиди эритмаси билан киздирилади: аммиак ажралиб чиқади (ҳиди келади), нам лакмус қоғози қизил рангга бўялади						
Ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г,%	0,481± 3,67	0,512± 2,55	0,516± 3,21	0,518± 3,76	0,48± 3,78	0,516± 3,21	0,48± 3,78
Парчаланиши, дақ	22	10	20	21	22	23	23
Эрувчанлик, %	95,99	99,67	94,99	93,02	91,89	96,45	93,69
Таъсир этувчи модда миқдори	98,99	99,01	99,21	98,87	98,76	98,77	98,95

Танлаб олинган 7 та таркиб ичидан П-2 таркибда олинган «Пирац» капсулалари массалари барча ўрганилган сифат кўрсаткичлар бўйича талабга жавоб берди ва «Пирац» капсуласи учун қуйидаги таркиб танлаб олинди: фаол модда пирацетам ва ёрдамчи моддалар сифатида сахароза, лактоза - М80, картошка крахмали, кальций стеарат ва намлантирувчи агент сифатида 10 % ли крахмал эритмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Капсула таркибидаги таъсир этувчи модда миқдори спектрофотометрик усулда аниқланди. Бунда ўртача қийматнинг нисбий хатолиги $\pm 2,05\%$ ни ташкил этиб, бу ускунавий таҳлил усулларида қўйилган талабларга мос келди. Таҳлил натижалари ва миқдорий таҳлил усулининг метрологик тавсифи 4-жадвалда келтирилган.

«Гранпир» ва «Цингран» гранулалари учун 7 та таркиб ичидан ижобий технологик хоссаларни намоён қилган 1 тадан таркиб танлаб олиниб, тажри-

балар давом эттирилди. Бунда саше пакетга жойлаштиришга мосланган «Гранпир» гранулалари учун Г-3 (пирацетам, сахароза, малина ароматизатори, сорбин кислотаси, повидон, кальций стеарат) ва «Цингран» гранулалари учун эса Ц-5 (циннаризин, сахароза, қулупнай ароматизатори, повидон, кальций стеарат) таркиблар барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларни намоён қилгани аниқланди ва кейинги тадқиқотлар учун бу таркиблар асос қилиб олинди.

4-жадвал

«Пирац» капсуласи таркибидаги пирацетам миқдорини аниқлаш натижалари (n=5)

Аниқ тортма, г	Пирацетамнинг топилган миқдори		Метрологик тавсифи
	г	%	
0,2010	0,206	102,47	P=95,00 $X_{\text{ўрт}}=100,73$ $f=4$ $S^2=2.74$ $S=1.66$ $S_x=0.74$ $\varepsilon_{\text{ўрт}}=2,05\%$
0,2022	0,205	101,36	
0,2025	0,202	99,75	
0,2032	0,207	101,72	
0,2013	0,198	98,36	

Суспензиялар тайёрлашга мўлжалланган «Гранпир» ва «Цингран» гранулалари учун тадқиқотлар таркиб танлашдан бошланди, бунда дори моддасининг таъсир этувчи дозаси ҳар бир истеъмол учун ўрганилди. Таркиб танлашда дастлабки хом ашёларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларидан келиб чиқиб ёрдамчи моддалар танланди. Г-5 ва Ц-4 таркибда олинган гранулаларнинг ижобий технологик хоссалари намоён бўлди.

Қуйида суспензиялар тайёрлаш учун мўлжалланган Г-5 ва Ц-4 таркибли гранулаларнинг таркиблари келтирилди: Г-5: пирацетам, сахароза, сувсиз лимон кислотаси, натрий карбоксиметилцеллюлоза, ксантан елими, малина ва қулупнай ароматизатори, кальций стеарат; Ц-4: циннаризин, сахароза, гидроксипропилцеллюлоза, ксантан елими, сувсиз лимон кислотаси, малина ароматизатори, кальций стеарати. Ушбу таркиблар асосида олинган гранулаларнинг ўрганилган сифат кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилди.


Диссертациянинг «Тавсия этилаётган цереброваскуляр касалликларда қўлланиладиган препаратларнинг сифатини баҳолашда биофармацевтик тадқиқотлар» номли бешинчи бобида «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г», «Пирац» капсулаларининг ҳамда «Гранпир» ва «Цингран» гранулаларининг биофармацевтик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилди. Тавсия этилаётган таблетка, капсула ва гранулаларнинг биофармацевтик тадқиқотлари *in vitro* усулида «Айланма кажава» асбобида олиб борилди ва турли омилларнинг биофармацевтик хоссаларга таъсири ўрганилди. Тавсия этилаётган таблеткалар таркибидаги таъсир этувчи модда ажралиб чиқиш тезлигига турли омиллар ўз таъсирини кўрсатади, булардан қўлланилган ёрдамчи моддалар, эритувчи муҳит ҳажми ва рН муҳити, кажава айланиш тезлиги кабилар.

Гранулаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Аниқланган кўрсаткичлар	Саше пакетга мос гранулалар		Суспензия тайёрлаш учун гранулалар		Суспензия	
	Гранпир Г-3	Цингран Ц-5	Гранпир Г-5	Цингран Ц-4	Гранпир Г-5	Цингран Ц-4
Ташқи кўриниши	Аниқ шаклга эга бўлмаган, оч пушти рангли ўзига хос хидли	Аниқ шаклга эга бўлмаган, оч пушти рангли ўзига хос хидли	Аниқ шаклга эга бўлмаган, оч пушти рангли ўзига хос хидли	Аниқ шаклга эга бўлмаган, оч пушти рангли ўзига хос хидли	Оқ рангли, заррачалари бир хил тарқалган ўзига хос хидли	
Органолептик хоссалари	Малина таъмли, ширин	Қулупнай таъмли, ширин	Малина таъмли, ширин	Малина таъмли, ширин	Малина таъмли, ширин	Малина таъмли, ширин
Заррачалар ўлчами, мкм	2000-3000	2000-3000	2000-3000	2000-3000	38-48	42-50
Парчаланувчанлик, дақ	5	6	6	8	-	-
Эрувчанлик, %	98,5	89,3	97,8	96,9	-	-
Англомерат гранулалар сони, %	0,12	0,10	0,32	0,34	-	-
Седиментацион барқарорлиги, дақ.	-	-	-	-	5	7
Таъсир этувчи модда миқдори, %	99,44	98,96	99,05	99,11	99,45	98,84

Эритувчи муҳит ҳажми - 1000 мл, температура - $37 \pm 1^{\circ}\text{C}$ қилиб олинди. Эритувчи муҳит сифатида 3 хил эритувчидан фойдаланилди - тозаланган сув, 0,1 моль/л водород хлорид кислотаси, 0,1 моль/л натрий гидроксид эритмасидан фойдаланилди.

Олинган натижалар 2-расмда келтирилди.



2-расм. «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткаларидан пирацетамни ажралиб чиқиш тезлигига эритувчи рН муҳитининг таъсирини ўрганиш натижалари


Олинган натижалар қуйидагилар кузатилди: «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблетка таркибидан пирацетам фаол моддаси 45 дақиқа давомида сувли муҳитга 89,7 % ва 92,2 % миқдорда, кислотали муҳитга эса 78,1 % ва 78,5 % миқдорда ажралиб чиқди. Ишқорий муҳитда эса бу кўрсаткич 45 дақиқада 61,4 % ва 63,1 % ни мос равишда ташкил қилди. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб таблеткалар учун эритувчи муҳит сифатида сув тавсия этилди.

Таклиф этилаётган «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари учун «Эриш тести» ни яратишда кажаванинг айланиш тезлигини белгилаш мақсадида тажрибалар ўтказилди ва ҳар иккала таблеткада ҳам эритувчи муҳитга таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиши 100 ай/дақиқадан бошлаб интенсив равишда ошиб борди. Аммо иқтисодий жиҳатдан кераксиз энергияни тежаш мақсадида, кажаванинг айланиш тезлиги 100 ай/дақ деб белгиланди.

Тавсия этилаётган «Пирац» капсулалари учун «Эриш тести» ни шароитларини белгилаш бўйича изланишларда таҳлил қилинаётган капсула таркибидан 15, 30 ва 45 дақиқаларида мос равишда таъсир этувчи модда сувли муҳитга 36,9 %, 53,8 % ва 86,5 % ажралиб чиқди. Кислотали муҳитда бу кўрсаткичлар мос ҳолда 24,5 %, 31,1 % ва 42,4 % ни ташкил этган бўлса, ишқорий муҳитда 27,2 %, 42,1 % ва 57,8 % ни ташкил этди.

«Пирац» капсулаларидан таъсир этувчи моддаларнинг ажралиб чиқишига «айланма кажав» тезлигини таъсирини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, «Пирац» капсулаларининг «Эриш тести» ни ўтказишда қуйидаги шароитлар белгиланди: нейтрал муҳит - тозаланган сув, муҳит ҳажми - 1000 мл, кажаванинг айланиш тезлиги - 100 ай/дақ.



3-расм. «Пирац» капсулаларидан пирацетамнинг ажралиб чиқишига айланма кажави тезлигини таъсирини ўрганиш натижалари

Болалар амалиётида ишлатишга мўлжалланган икки хил қадоқга жойлаштирилган «Гранпир» ва «Цингран» гранулаларининг таъсир этувчи модда миқдорини ажралиб чиқишига эритувчи муҳит таъсирини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилди.

6-жадвал

Тавсия этилаётган «Гранпир» ва «Цингран» гранулаларининг эришига рН муҳитининг таъсирини ўрганиш натижалари

Тавсия этилаётган гранулалар ва уларнинг қадоқлари	Ўрганилган муҳитлар, рН								
	М нейтраль			М кислотали			М ишқорий		
	Вақт, дақиқа								
	15	30	45	15	30	45	15	30	45
	Миқдори, %								
«Гранпир» грануласи саше пакетда: -пирацетам	48,5	62,7	87,8	39,3	42,8	64,7	28,5	37,2	59,5
«Гранпир» грануласи суспензия тайёрлашга (флаконда) -пирацетам	42,6	58,3	85,9	29,6	49,4	61,9	31,1	40,4	52,8
«Цингран» грануласи саше пакетда: -циннаризин	32,1	46,3	58,8	44,2	57,4	88,1	30,6	39,7	51,5
«Цингран» грануласи суспензия тайёрлашга (флаконда)-циннаризин	29,5	44,6	51,4	42,5	56,8	86,2	29,3	33,2	51,8

«Гранпир» гранулалари ҳар иккала қадоқ учун турли таркиб танланганига қарамадан сувли муҳитда таъсир этувчи модда - пирацетамнинг

ажралиб чиқиши талаб даражасида намоён қилди. «Цингран» гранулалари учун эса кислотали муҳитда таъсир этувчи модда - циннаризиннинг максимал даражада ажралиб чиққанлиги кузатилди. Кейинги босқич тадқиқотлар кажава айланиш тезлигини тавсия этилаётган гранулаларнинг таъсир этувчи моддаларини эритувчи муҳитга ўтиш кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга бағишланди. Бунда тадқиқотлар кажаванинг 50, 100, 150 ва 200 ай/дақ тезлигида олиб борилди.

Натижалар 7-жадвалда келтирилди.

7-жадвал

«Гранпир» ва «Цингран» гранулаларининг эрувчанлигига кажаванинг айланиш тезлигини таъсирини ўрганиш натижалари

Тавсия этаётган гранулалар ва уларнинг кадоклари	Кажаванинг айланиш тезлиги, ай/дақ											
	50			100			150			200		
	Вақт, дақиқа											
	15	30	45	15	30	45	15	30	45	15	30	45
	Микдори, %											
«Гранпир» грануласи саше пакетда: -пирацетам	29,4	53,8	80,7	37,8	58,2	83,3	41,3	62,7	89,2	43,9	66,3	92,6
«Гранпир» грануласи (флаконда): -пирацетам	29,5	59,1	82,3	38,4	62,5	86,6	41,1	68,5	89,2	44,2	75	93,5
«Цингран»грануласи саше пакетда: -циннаризин	29,1	54,2	63,9	35,6	58,8	82,9	37,8	62,6	85,8	41,5	65,7	89,6
«Цингран» грануласи (флаконда): -циннаризин	25,9	46,3	61,6	38,5	55,7	88,6	43,8	59,5	88,5	48,2	62,9	92,9

Кажаванинг айланиш тезлиги дақиқасига 50, 100, 150 ва 200 бўлганда ажралиб чиқиш интенсив ортиб боргани кузатилди. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан «Гранпир» гранулалари учун кажаванинг айланиш тезлиги 50 ай/дақ ва «Цингран» гранулалари учун - 100 ай/дақ. танлаб олинди.

Диссертациянинг «Тавсия этилаётган препаратларнинг турғунлигини ва сақлаш шароитини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар» деб номланган олтинчи боби технологик ва биофармацевтик кўрсаткичлари бўйича мақсадга мувофиқ деб топилган таркиб ва технология асосида тайёрланган дори турларининг турғунлигини аниқлашга қаратилди. Ишлаб чиқилган дори препаратларининг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш $20 \pm 2^{\circ}\text{C}$ хароратда табиий сақлаш шароитида ва И-42-2-82 рақамли йўриқнома асосида термостатда 60°C да «тезлаштирилган эскириш» усулида олиб борилди.

Тажриба намуналари турли кадоқларга жойлаштирилди. Изланишлар натижаларига асосан қуйидаги яроқлилик муддатлари белгиланди: «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари, «Пирац» капсулалари, «Гранпир» ва «Цингран» гранулалари учун - 3 йил, «Гранпир» грануласи (суспензия тайёрлаш учун) учун - 2 йил.

ХУЛОСАЛАР

1. Дори препаратлар ҳақидаги расмий манбалардан олинган маълумотлар, дори-дармонлар ассортименти маркетинг тадқиқотлари статистикаси (таснифланиши, гуруҳланиши, тизимли таҳлил, тавсифловчи статистик маълумотлар), «Анкета-сўровнома» усули, «Drug-audit» маълумотлар базаси маълумотлари асосида маҳаллий фармацевтика бозоридаги ноотроп препаратлар таҳлил қилиниб, уларга нисбатан талаб ўрганилди ва биосамарадорлиги юқори бўлган дори препаратлари яратиш учун тадқиқот объекти аниқланди.

2. Пирацетам асосидаги дори препаратларида ишлатиладиган хом ашёнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди. Улар асосида «Пирацетам 0,2 г», «Пирацетам 0,4 г» таблеткалари, «Пирац» капсулалари таркиби илмий асосланди, уларнинг сифатига таъсир этувчи мезонлар ўрганилди ва технологияси ишлаб чиқилди.

3. Педиатрия амалиётида ишлатишга мўлжалланган «Гранпир» ва «Цингран» гранулалари (саше пакет учун мос ва суспензия тайёрлашга мос) сифатига таъсир этувчи мезонлар ўрганилиб, таркиби илмий асосланди ва технологияси ишлаб чиқилди.

4. Тавсия этилаётган препаратларнинг биофармацевтик хоссалари *in vitro* усулида ўрганилиб, уларнинг биосамарадор эканлиги исботланди. «Пирацетам 0,2 г ва 0,4 г» таблеткалари ва «Пирац» капсулалари ва «Цингран» гранулалари учун «айланма кажава» тезлиги дақиқасига 100 ай/дақ, «Гранпир» гранулалари учун «айланма кажава» нинг тезлиги дақиқасига 50 ай/дақ деб танлаб олинди. «Цингран» гранулалари учун кислотали муҳит - 0,1 моль/л хлорид кислота эритмаси ва бошқа препаратлар учун нейтрал муҳит танлаб олинди ва муҳит ҳажми барча тавсия этилаётган препаратлар учун 1000 мл деб белгиланди.

5. Барча препаратлар турғунлиги турли кадоқларда табиий усулда ва «тезлаштирилган эскириш» усулида ўрганилди ва тавсия этилаётган препаратлар турғунлиги қуйидагича белгиланди:

а) «Пирацетам 0,2 г», «Пирацетам 0,4 г» таблеткалари учун яроқлилик муддатлари барча кадоқларда 3 йил;

б) «Пирац» капсулаларининг яроқлилик муддати 3 йил;

в) «Гранпир» гранулаларининг яроқлилиги саше пакетларда 3 йил ва суспензия тайёрлашга мўлжалланган гранулалари учун 2 йил;

г) «Цингран» гранулаларининг яроқлилиги 3 йил.

6. Тадқиқот натижаларида олинган кўрсаткичлардан келиб чиқиб, меъёрий ҳужжатлар мажмуаси яратилиб, «Дори воситалари, тиббий буюмлар

ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК га амалиётда ишлатишга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун топширилди. Тавсия этилаётган «Пирацетам 0,2 г», «Пирацетам 0,4 г» таблеткалари учун технологик йўриқномалар тузилди ва тасдиқланди.

7. «Пирацетам 0,2 г» ва «Пирацетам 0,4 г» таблеткаларини меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланди (КФМ 42Уз-15745533-2524-2014) ва ишлаб чиқариш маҳаллий фармацевтика корхонаси «SAMO» МЧЖ да йўлга қўйилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШОДИЕВА НИЛУФАР БАХТИЁРОВА

**ФАРМАКОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ И РАЗРАБОТКИ НООТРОПНЫХ
ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ НА ОСНОВЕ
ПИРАЦЕТАМА И ЦИННАРИЗИНА**

15.00.01 – Технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК (PhD)**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Far13.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный
руководитель:**

Юнусова Холида Маннановна
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:**

Тўхтаев Хаким Рахманович
доктор фармацевтических наук

Халимов Абдурахим Халимович
кандидат фармацевтических наук

Ведущая организация:

**Национальный Университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSC.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г.).

И.И.Алимджанов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

С.Н.Аминов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения более 30% населения земного шара принимают нейрорепродуктивные средства: данный показатель в Европейском союзе и Северной Америке достигает 45-50%¹. Ноотропные препараты считаются самой важной и притягательной нейрорепродуктивной фармакологической группой средств. Данные препараты широко используются в педиатрической практике. В последние годы первенство в производстве педиатрических лекарственных препаратов занимают Франция, США, Англия и Германия. Выпуск данных препаратов отечественными производителями являясь перспективным, имеет важное значение.

На сегодняшний день во всем мире осуществляется ряд научных исследований с целью организации структуры и производства, достижения эффективности производства лекарственных средств, применяемых для лечения умственных и психических изменений, возникающих в результате нарушения мозгового кровообращения. В данном направлении актуальными вопросами считаются разработка эффективных технологий производства лекарственных форм ноотропных препаратов, т.е. подбор композиций вспомогательных веществ необходимых для создания лекарственной формы, разработка методов анализа и т.п. Научные исследования проводимые в данной области значимы решением экономических и социальных проблем по созданию новых технологий производства на фармацевтических предприятиях ноотропных лекарственных средств пирацетама и циннаризина, уменьшению доли завозимых из зарубежья лекарственных препаратов.

В республике в рамках проводимых реформ по фармацевтическому направлению осуществляется целый ряд мероприятий по развитию отечественных фармацевтических предприятий. В IV главе Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. намечены важные задачи «по развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения и лечебных учреждений качественными, безопасными и недорогими лекарственными средствами»². Для решения вышеприведенных задач создание свободных экономических зон таких, как «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бустанлик-фарм», «Нукус-фарм» является приоритетным направлением развития данной отрасли. Для обеспечения населения высокоэффективными лекарственными препаратами необходимо разработать инновационные технологии производства, провести локализацию производства с использованием современных методов анализа.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента

¹Информационный бюллетень Всемирной организации здравоохранения. 2013/2

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения» и ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI.«Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Методы, использованные в диссертационной работе освещены в работах таких узбекских ученых, как С.М. Махкамов, М.У. Усуббаев, У.М. Азизов, Х.К. Джалилов, З.А. Назарова, Х.М. Юнусова.

Особого внимания заслуживают научные исследования по разработке и усовершенствованию технологии таблеток с учетом фармакотехнологических особенностей, проводимые ведущими учеными мира, такими как Н.В. Иванова, Н.Н. Жуйкова, А.Н. Воробьев, S.Kazuhisa, R.F.Weiss, A.G.Yang, A.Malar Retna.

Запланированные в данной диссертации научные исследования по разработке, усовершенствованию и налаживанию отечественного производства не покрытых оболочкой таблетированных, капсулированных и гранулированных лекарственных форм ноотропного действия для применения в практике взрослых и детей не проводились.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института II. «Разработка новых технологий внедренных в практику генерических лекарственных средств».

Целью исследования является разработка состава и создание технологии таблетированных, капсулированных и гранулированных лекарственных форм пирарцетама и циннаризина.

Задачи исследования:

провести анализ ноотропных препаратов и блокаторов кальциевых каналов на отечественном фармацевтическом рынке и на его основе осуществить выбор объекта, разработать его современные лекарственные формы;

изучить структурно-механические и технологические характеристики сырья, научно обосновать критерии разработки на их основе таблетированных, капсулированных и гранулированных лекарственных форм для взрослых и детей;

обосновать выбор вспомогательных веществ с учетом разработки технологической характеристики и оптимального состава таблетированных,

капсулированных и гранулированных лекарственных форм пирацетама и циннаризина;

изучение технологических свойств прессуемой массы и гранул;

